



Ривожланган хар кандай тил, шу жумладан хозирги ўзбек тили икки асосий функционал турга: адабий тил ва жонли сўзлашув тилига бўлинади. Хар бир муайян тилнинг сохиби, ташувчилари бўлган элат (халк) ёки миллатнинг вакиллари томонидан жонли сўзлашув ти-ли болаликдан бошлаб эгалланади. Адабий тил, унинг меъёрлари ва конуниятлари эса балогатга етган, камолатга эришган кишининг шаклланиши жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб олинади. Бунда, айникса, оила ва мактаб, олий ўқув юрти, адабий тилни эгаллаган шахслар, олимлар билан якин алоқада бўлиб туриш ва улар кўмагида турли жанрдаги адабиётларни ўқиш, ўрганиш мухим ахамиятга эга..

Умумхалк тилининг юкори шакли хисобланган ада-бий тил аник ва муайян бир тизимда хар бир даврнинг тилига хос меъёр, тартиб-қоидаларни ифодалайди. Миллий адабий тилни, унинг оғзаки ва ёзма шакллари аниклашда энг мухим ва асосий белги унинг муайян бир меъёрга, яъни аник бир маромга, тартиб-қоидаларга солинганлигидир. Миллий тилгача бўлган даврдаги адабий тил билан миллий адабий тил орасида мухим тафовутлар бўлишига карамай, нормативлик адабий тил тараккиётининг барча даврларида — миллий тилларнинг ташкил топиш даврида ҳам, айникса, миллий адабий тиллар тўла шаклланган даврларда ҳам — асосий белги бўлиб қолади. Адабий тил тараккиётининг дастлабки даврларига тегишли ёдгорликларни ўрганиш унда бир катор меъёрлар мавжудлигини, эски меъёрлар йўқолиб кетиши, янги меъёрлар юзага келишини, янги ва эски меъёрларнинг мувозий (параллел) холда қўлланганлигини кўрсатади. Демак, меъёр факат тилнинг хозирги холати, синхрония учунгина характерли бўлиб қолмай, балки диахронияда ҳам вужудга келади[1].

Адабий тил лексикада ҳам, фонетика ва грамматик қурилиш соҳасида ҳам ўз меъёрлари, қоидалари билан ажралиб туради. Бу меъёрлар грамматика дарсликлари, қўлланмалари ва барча хил лугатларда белгилаб қўйилган. Бу меъёрлар шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун умумий ва зарурий хисобланади. Умумхалк- тилининг қайта ишланиши негизида шаклланиб, маҳаллий диалектларнинг умумий зарурий хусусиятларини ўзига сингдира борган адабий тил айни замонда умумхалк тилининг турли кўринишларидан—жонли сўзлашув нуткидан ҳам, маҳаллий шевалардан ҳам, жаргонлардан ҳам фарк қилади.

Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг лугат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шакллар ясаилиши ягона, муштарак қоидага бўйсунди. Адабий меъёр тарихий тоифа (категория) хисобланади. У тил-нинг тараккиёти билан

боглик равишда ўзгариб туради, унинг ички конуниятларига бўйсунган холда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини кондиради. Шунинг учун адабий тил меъёрлари, тартиб-қоидалари тилда доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни акс эттирувчи кўриниш (вариант) ларни инкор этмайди.

Адабий тилнинг икки тури — оғзаки ва ёзма тури мавжуд. Бу шакллар идрок этишнинг икки тури, яъни кўрув ва эшитув учун мўлжалланганлиги сабабли ўзи-га хос бир канча хусусиятларга эгадир. Адабий тилда унинг хар иккала шакли учун хос бўлган бетараф ва услублараро ифода воситалари билан бир каторда, адабий тилнинг фақат бир шакли оғзаки ёки ёзма шакли учун хос тил унсурлари, воситалари ҳам бўлади.

Умумуслубий ва услублараро шаклларга биринчи навбатда тилнинг морфологик бирликлари киради. Тил воситаларини морфологик белгиларига қараб икки гуруҳга — оғзаки ва ёзмага ажратишда катъий чегара йўқ. Шунга қарамай, бу шаклларнинг ўзига хос айрим хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Жумладан, адабий тилнинг оғзаки шаклида от ва сифат туркумларига хос хис-туйғу, таъсирчанликни ифодаловчи шакллар (болақай, кизгина, эркатой, кичкинтой, кичкина, каттакон); такрор, давомийлик, кучайтириш маъноларини ифодаловчи феълнинг тахлилий шакллари (атайлаб, ошириб юбормоқ, келиб қолмоқ, турткилаб қўймоқ, ўкиб чиқмоқ) ҳамда ёзма адабий шаклга хос от ва сифат туркумларидаги тахлилий шакллар (сезгирлик би-лан, телефон орқали, тезкорлик асосида, ниҳоятда кўркам, гоят баланд); -лик, -чилик, -лаштириш каби аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар (ўқитувчилик, дехкончилик, паррандачилик, радиоллаштириш, автоматлаштириш) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Адабий тилда синтактик қурилиш жиҳатидан ҳам икки шаклга хос хусусиятларни кўриш мумкин. Кўпинча содда гапларни, айниқса тўлиқсиз гапларнинг қисман боғланган қўшма гапларни ишлатиш адабий тилнинг оғзаки шакли учун хос бўлади. Бу вақтда оҳанг, тўхтаб, имо-ишора, нутқ вазияти каби воситалар муҳим роль ўйнайди. Ёзма адабий тилнинг синтактик қурилиши эса ўзининг анча мураккаблиги билан ажралиб туради. Унда эргаш гапли қўшма гаплар, қириш сўз ва иборалар, мураккаб қурилишли содда гаплар, ажратилган ва уюшиқ бўлақлар, мураккаб қўшма гаплар анча кенг ишлатилади.

Адабий тилнинг хар иккала шакли учун хос алоҳида лексик ва фразеологик тил бирликлари қўлланади, яъни ҳозирги адабий тилда бетараф ва услублараро катлач : билан бир каторда, фақат оғзаки ёки ёзма адабий тил учун хос сўз ва иборалар катлами ҳам мавжуд, масалан: «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (икки томлик, М., 1981 й.) ҳамда «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугатида (III. Раҳматуллаев, Т., 1978 й.) «саланглаб юрмоқ, суюнмоқ (севинмоқ), кашламоқ (кашимок), хайитламоқ, қойилмамоқ, қулайламоқ, қайдам, қанаканги, шунқайиқи, шунақанги, жон-қони қикиб қетди, қузи қириқ, қўзлари қинидаи қикиб қетди қабии сўз ва ибора-лар сўзлашув нутқиға хос ҳамда бошқарув, интилиш, адабиёт, қамтарлик, ижтимоий, қузи очик, қолиб қелмоқ, қони қалқумиға қелмоқ, қўнғли тоза қабилар эса ёзма адабий тилға хос сўз ва иборалар деб қайд қилинади.

Адабий тилнинг оғзаки шакли маъруза ва суҳбатларда, ёзма шакли эса қан, техника ва адабиёт асарларида, расмий иш ҳужжатлари, нашриёт ва матбуот соҳаларида

ишлатилади. Лекин булар ўзаро узвий равишда боғланган бўлади. Маърузалар, ҳар хил чиқишлар ўз хусусияти билан ёзма адабий тилга яқин туради. Шунингдек, ёзма адабий тилда, айниқса, бадий асарларда сўзлашув нуткига хос сўз ва иборалар ҳам қўлланади. Шуни қайд қилиш кераки, «огзаки», «сўзлашув», атамалари адабий тилнинг шаклларида бирини (адабий тилнинг огзаки ёки ёзма шакллари) ифодалаш учун ҳамда миллий тилнинг функционал турларидан бирини (адабий тил ёки жойли сўзлашув тилини) ифодалашга хизмат қилади.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиш жараёнини текширишда, ўзбек адабий тили тараккиётининг турли даврларига тегишли, шунингдек ўзбек миллий тилининг ташкил топиши даврига оид ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш вақтида адабий тилни фарқ қилуви асосий восита сифатида «огзаки» атамасидан фойдаланиб бўлмайди. Чунки ўзбек адабий тили тарихи ана шу ёзма ёдгорликлар тили тарихидан иборат. Шунинг учун ўзбек адабий тили тараккиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб китобий унсурлар ёзма адабий тилнинг воситалари сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, қадимги туркий адабий тил ва эски ўзбек адабий тили, шунингдек, миллий адабий тил ёдгорликлари учун характерлидир. Ёзма ёдгорликларда ташкил топиб қатъийлашган тил меъёрлари, қоидалари аста-секин сўзлашув нуткига ҳам ўта бошлайди. Ёзма нутқ шакли, огзаки нутқ шакли, адабий тилнинг ёзма ва огзаки шакллари каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши асосан шу ҳодиса билан боғланган. Ҳозирги ёзма адабий матнларда (бадий адабиёт, публицистика, газета ва журнал мақолаларида) ёзма ва огзаки тил унсурлари бўлганидек, ог-заки нутқда ҳам сўзлашув ва ёзма нутқ унсурлари мавжуд бўлади.

Ўзбек адабий тилининг барча шаклларига хос аниқ фактларни турли даврларда яшаган йирик ёзувчиларнинг бадий асарларида учратиш мумкин. Чунки бадий асар матнларида ҳар бир ривожланган тилнинг икки асосий функционал кўриниши — адабий тил ва жонли халқ тилининг диалектик бирлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги очик намоён бўлади. Рус олимлари Л. В. Шчербак ва В. В. Виноградовнинг кўрсатишларича, тил тараккиётининг маълум даврларига хос адабий тил меъёрларини бадий асарларнинг матнларини таҳлил қилиш орқали белгилаш мумкин. Дарҳақиқат, XIII—XVI асрларда эски ўзбек тили учун характерли бўлган адабий тил меъёрлари турли даврларда яшаган Хоразмий, Дурбек, Лutfий, Атоий, Саккокий каби шоирларнинг асарлари тилини ўрганиш, лингвистик таҳлил қилиш асосида аниқланади. Ўша даврларда яратилган ёдгорликларнинг тили ўз даври халқ тилига, тушунишнинг енгиллиги жиҳатидан ҳозирги ўзбек адабий тилига ҳамда жонли халқ тилига анча яқин туради.

Тилнинг хилма-хил бирликларини бадий адабиёт асарларида ишлатиш ҳамма вақт услуб жиҳатида асосланган бўлади. Жумладан, юқорида тилга олинган цшоирларнинг, айниқса Алишер Навоийнинг асарлари XIV—XV асрлардаги эски ўзбек адабий тилининг хусусияти, унинг огзаки ва ёзма шакллари, шунингдек жон-ли халқ тили ҳамда адабий тилнинг огзаки шакли қандай эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур бера олади.

Ёзувчи ўз асарда турли даражадаги тил бирликларининг маълум қоллига солинган, такомиллашган намуналарини, шакллари ишлатади. Шунинг учун тил ифода воситаларининг нормативлиги, тартиб-қоидалари бадий асарларда кўпроқ ва аниқроқ

намоён бўлади. Демак, турли даврларга тегишли бадиий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганиш ўша давр тил тизимини тушуниб олиш имконини беради. Бадиий асар тилини ўрганиш бу хил лингвистик текширишларнинг икки жihatини бир-бири билан боғлайди, унинг икки томонини белгилаш имконини беради, яъни бадиий асар матн-ларида адабий тил меъёрлари ҳамда маълум даражада жонли халк тилининг хусусиятлари акс этганлиги аниқланади.

Тил ходисаларини тўғри ва чуқур тушунган холда кенг илмий таҳлил қилиш, ҳозирги жонли халк тили, сўзлашув нутки хусусиятлари билан адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари фактларини қиёслаб ўрганиш натижалари ўтмишдаги жонли халк тилининг айрим хусусиятларини билиб олишда маълум асос бўлиши мумкин.

Ёзма манбалар асосида ўтган асарлардаги жонли халк тили, сўзлашув нутки хусусиятларини ўрганишда тарихий обидаларни, бадиий асарларнинг матнларини, айниқса, ўз даврига хос нутқ амалиётини акс эттирувчи асарларни танлаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Б. Ўринбоевнинг ўзбек тили сўзлашув нуткини ўрганишга бағишланган ишларида бундай ҳулосалар асосан бадиий асар матнларига асосланади.

Одатда бадиий асар матнларининг уч тури кўпроқ қўлланади: муаллиф хикояси (хабар матни); асар қахрамонларининг тили ва муаллифнинг қахрамонларга берган характеристикаси, Муаллиф хикоясига асосланган матнлар адабий тилнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Бу хил матнларда услуб ва таъсирчанлик жihatидан бетараф бўлган тил воситалари кўпроқ ишлатилади, шулар асосида адабий тилнинг оғзаки ва ёзма унсурлари қўлланади. Навоий, Бобур, Абулғози қаби ёзувчиларнинг прозаик асарларида, Хамза, А. Қодирий, Ойбек, Гафур Рулом асарларида ана шундай матнлар жуда кўп бўлиб, уларда бадиий хикоя меъёри, адабий тилнинг бетараф, китобий ва сўзлашув унсурларини қўллаш меъёри очик намоён бўлади. Асар қахрамонларининг тилида уларнинг ижтимоий аҳолига боғлиқ равишда сўзлашув нуткига хос барча воситаларни — адабий тил ва адабий тилга хос бўлмаган бар-ча унсурларни қўллаш мумкин. Қахрамонларнинг тил характеристикасига бағишланган матнларда эса ёзувчи адабий тилга хос бўлмаган сўзлашув нуткининг унсурларини — оддий сўз ва ибораларни ҳам, шева ва жаргонларга хос сўзларни ҳам ишлатади. Демак, ўз-бек адабий тили тилнинг турли даврлардаги тараккиёт хусусиятларини белгилашда энг асосий манбалардан бири ҳисобланади, унда тилнинг табиати ўз ифодасини топади.

[1] Р. А. Будагов. Литературный язык и языковые стили. М., 1967 й. 5-бет.